

2025 йил 22-сентябр

“Ўзкимёсаноат” АЖда "Автомобилларсиз кун"



22-сентябр — дунё миқёсида "Автомобилларсиз кун" сифатида нишонланади. Ушбу куннинг асосий мақсади — шаҳарлардаги ҳаво ифлосланишини камайтириш, транспорт воситаларидан келиб чиқадиган зарарли чиқиндиларга қарши курашиш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдан иборат.

Шу муносабат билан, “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти раҳбарияти ва ходимлари ташаббус кўрсатиб, ушбу экологик акцияда фаол иштирок этдилар. Жамиятнинг марказий аппаратида фаолият юритувчи кўплаб ходимлар иш жойига пиёда, велосипедда ёки жамоат транспортларидан фойдаланган ҳолда келдилар.



Бундай ташаббус нафақат атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, балки жисмоний фаолликни оширишга ҳам хизмат қилади. Ходимлар бу кунини соғлом ҳаёт тарзи, экологик маданият ва жамоавий масъулият ҳақида ўйлаш учун яна бир имконият сифатида қабул қилдилар.

“Ўзкимёсаноат” АЖ раҳбарияти ушбу тадбирни жорий йилда илк бор ташкил этган бўлса-да, бундан буён уни анъанавий тарзда ҳар йили ўтказиш ниятида. Жамият экологик барқарорлик ва ижтимоий масъулият масалаларига доимий эътибор қаратиб келади ва бу каби ташаббусларнинг корпоратив маданиятида муҳим ўрин тутаяди.













“Ўзкимёсаноат” АЖ Матбуот хизмати

source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azhda-avtomobillarsiz-kun>